O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 26 май, чоршанба • № 42 (11.125) • Эркин нархда сотилади

ДЎРМОН ҚАРОРГОҲИДА УЧРАШУВ

ЎЗБЕКИСТОН Президенти Ислом Каримов 25 май куни Дўрмон қароргоҳида АҚШ давлат котибининг янги мустақил давлатлар ишлари бўйича махсус маслаҳатчиси С. Сестанович бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон-АҚШ, АҚШ-Ўзбекистон қўшма комиссияларининг Тошкентда ўтган навбатдаги сессияси якунлари, мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамда сиёсий алоқалар кўламини янада кенгайтириш, хусусан тадбиркорларнинг бевосита ҳамкорлигини ривожлантириш борасида имтиёзлар яратиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Мулоқот чоғида Президент Ислом Каримов АҚШ томонидан Ўзбекистонга кўрсатилаётган ёрдам Ватанимизнинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, жамиятимизда демократия тамойилларини қарор топтириш ва ривожлантириш, иқтисодий ислоҳотларни самарали амалга ошириш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Шу ўринда айтиш керакки, бугунги кунда биз учун жаҳон ҳамжамиятига, дунёвий иқтисодиёт тизимига интеграциялашув энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу борада хорижий давлатлар билан ўзаро алоқаларни чуқурлаштириш, муайян масалалар юзасидан якдилликка эришиш лозим. Шу маънода халқаро сиёсатдаги, иқтисодиётдаги кўпгина муҳим масалалар юзасидан Ўзбекистон билан АҚШнинг нуқтаи назарлари ўзаро мутаносиб бўлаётгани эътиборга молик.

— Бугун АҚШ бизнинг етакчи савдо ҳамкорларимиздан бири, — деди жумладан, давлатимиз раҳбари. — Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш нафақат иқтисодиёт ривожи, балки Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда ҳам муҳим омил бўлади. Аминмизки, АҚШ сиёсий доиралари бугун Ўзбекистонда кечаётган ислоҳотлар жараёнини катта қизиқиш билан кузатиб бораётир. Яъни, ўзаро ҳамкорликнинг ривожидан ҳар икки томон ҳам бирдек манфаатдор.

Учрашувда С. Сестанович Ўзбекистонга ташрифи самарали кечаётганини таъкидлади. Хусусан, у Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мавжуд имкониятдан янада самаралироқ фойдаланиш зарурлигини таъкидлади.

— Бизнинг мақсадимиз нафақат ҳукуматлараро, балки жамиятларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашдир, — деди жумладан С. Сестанович. — Бир гапни айтишим керакки, америкаликлар Ўзбекистон кўп соҳаларда юксак салоҳият эгаси эканини яхши билади. Ўзбекистон Марказий Осиёда етакчи ўрин тутувчи давлатдир.

Музокараларда ўзаро савдо алоқаларини кенгайтириш билан бирга, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, диний айирмачилик ва террорчиликка қарши кураш, шунингдек, ҳарбий масалалар бўйича ҳамкорликни ривожлантириш ҳақида ҳам сўз борди.

(ЎзА).

САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ жаноби олийларига

НАТОнинг 50 йиллиги тантаналари муносабати билан ўтказилган саммит ҳамда Ҳамкорлик бўйича Евро-Атлантика Кенгаши учрашуви пайтида менга ҳаммаслак бўлганингиз учун Сизга миннатдорлигимни изҳор этмоқчиман. Биз саммитда эришилган ҳамкорлигимизни чуқурлаштириш ҳамда ҳамкор мамлакатлар ва иттифоқ ўртасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги натижалар билан фахрланишга ҳақлимиз.

Бизнинг Кенгашдаги ҳамда Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик дастури доирасида амалга ошираётган ишимиз барқарор ва хавфсиз Евро-Атлантика Ҳамкорлигини бунёд этишга ёрдам бермоқда. Биз ҳамкорлик ва мулоқот умумий қадрият ва мақсадларимизга кўмаклашишига ишонганимиз учун ҳам ҳамкор ва дўст бўлишга аҳд қилганмиз.

Келинг, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларга риоя этилаётган Тинчлик ва равнақнинг Евро-Атлантика Зонасини биргаликда бунёд қилишда давом этайлик.

Камоли эҳтиром билан,

Билл КЛИНТОН,
Америка Қўшма Штатлари Президенти

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

«ЎҚИТУВЧИ-99»: ТАНЛОВ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

ҲАР йили анъанага айланиб қолган «Ўқитувчи-99» кўрик танловининг вилоят босқичи ниҳоясига етди.

Юқоричирчиқ туманининг «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги Маданият саройида бўлиб ўтган бу беллашувда 6 нафар муаллим тўртта шарт — ўзини таништирув, фанининг тарғиботи, билимдонлиги, фавқулодда вазиятдан чиқиб кетиш, ишдан бўш вақтдаги машғулоти бўйича баҳслашдилар.

Бу имтиҳонда Ангрен шаҳридаги 29-мактаб онатили ва адабиёти ўқитувчиси Зарифа Шокирхонова — биринчи ўринни эгаллади. Бўка туманидаги 1-мактаб-боғча муаллимаси Гулдона Маъкулова ҳамда Паркент туманидаги 4-мактаб онатили ва адабиёти ўқитувчиси Равшан Ёқубовларга — иккинчи, Чиноз туманидаги 1-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Арофат Эгамбердиевага эса учинчи ўрин насиб этди. Ғолиблар «Соғлом авлод учун» вилоят бўлими ҳамда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кўмитасининг қимматбаҳо совғалари: дам олиш оромгоҳларига йўлланмалар ва вилоят халқ таълими бошқармасининг пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Ҳасан САИДОВ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

1999 ЙИЛГИ БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИ ҲОСИЛИНИ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

БОШОҚЛИ дон экинларини ўз вақтида ва сифатли ўриб-йиғиб олишни таъминлаш ҳамда давлат ресурсларига дон сотиш юзасидан контрактация шартномаларини бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Муродов) ва «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси (Юсупов)нинг 1999 йилги бошоқли дон экинлари ҳосилини ўриб-йиғиб олиш, тозалаш ва ташиш учун техникани тайёрлаш асосан тугалланганлиги тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин. Ўрим-йиғим ишлари даврида техниканинг узлуксиз ишлаши учун эҳтиёт қисмлар ва тузатиш материалларининг зарур заҳиралари яратилган.

Ҳосилни йиғиштириб олишда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича 6551 комбайн, шу жумладан 1184 «Кейс» ва «Клаас» комбайнлари ишлайди.

Дон ҳосили ўрим-йиғимининг ташкил этилиши ҳамда ўз вақтида ва сифатли йиғиштириб олиниши учун масъулият шахсан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят ҳокимлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси раҳбарлари зиммасига юклансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси, «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорацияси:

янчилган дон миқдори ва дон кирим қилиниши устидан назоратни таъминлаш мақсадида бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириш бошлангунга қадар ҳосилнинг ҳар бир дала бўйича эксперт баҳоланишини ва тегишли далолатномалар тузилишини тугалласинлар.

Комбайнчилар, транспорт воситалари ҳайдовчилари, ўрим-йиғимда ва дон ташишда, техникага хизмат кўрсатишда банд бўлган бошқа ходимлар меҳнатига комбайннинг иш унумига, ҳосил ўрим-йиғими сифатига қараб ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантиришга оид тавсияларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда бир ҳафта муддатда ишлаб чиқсинлар ва хўжаликларга етказсинлар. Меҳнатга маҳсулот билан ҳақ тўлаш ҳисобига дон беришни фақат «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорацияси корхоналарига дон сотиш бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилгандан, уруғлик фонди ғамланганидан ва маҳсулот кирим қилингандан кейин амалга оширсинлар.

Комбайнларнинг гуруҳ бўлиб, кечаю-кундуз ишлаш усулларини кенг қўлласинлар, гуруҳларнинг ҳар бирига техника хизмати кўрсатиш ва транспорт воситаларини, ёнилғи қуйиш машиналарини бириктириб қўйсинлар. Ғалланинг пишишига қараб гуруҳларнинг ҳаракатланиш йўналишларини ишлаб чиқсинлар.

Ширали озуқа етиштиришни кўпайтириш ва суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида такрорий экинлар экиш учун майдонларни белгиласинлар, қисқа муддатларда уларга озуқа, сабзавот экинлари ва бошқа экинларни эксинлар.

3. Давлат ресурсларига дон сотиш бўйича шартнома мажбуриятларини бажарган қишлоқ хўжалиги корхоналарига ҳосилни ўриш-йиғиш ишлари учун машина-трактор парклари билан ҳисоб-китобларни хўжаликлар ихтиёрида қолган дон билан, уни шартномавий нархлар бўйича дон маҳсулотлари тайёрлаш корхоналарига етказиб бериш ва сўнгра маблағларни машина-трактор паркларига ўтказиш йўли билан амалга оширишга рухсат этилсин.

«Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси, хизмат кўрсатувчи банклар ва «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорацияси билан биргаликда машина-трактор парклари-нинг ҳосилни йиғиштириш бўйича бажарган ишлари ҳисобига ҳўжалик-кўллаб-қувватлаш каби тадбирлар ҳам мустақиллик яратган имтиёзлардир.

(Давоми 2-бетда).

ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, ВОРИСЛАР!

Кеча умумтаълим мактабларида сўнгги қўнғироқ садолари янгради. Яна минглаб ўқувчилар мустақил ҳаётга йўл олдилар



СИЗ кўриб турган бу ёшлар бизнинг келажак ворисларимиз. Улар ўзига хос байрамга тўпланишган. Кардон мактаблари, устозлари билан хайрлашар -эканлар, ўй-фикрларида эртанги кун режалари, яхши маънодаги ташвишлар. Айни пайтда қалбларини билим берган мураббийларига, жонажон мактабларига бўлган ўзгача ҳурмат, эҳтиром туйғулари банд этган.

— Шу кунгача мактабга бунчалик ўрганиб қолганимни бу даражада сезмаган эдим, — дейди биз билан мулоқотда Ангрен шаҳридаги 15-мактаб ўқувчиси Дилрабо Тошматова, бундан буён қаерда бўлмай, менга ҳарф танитган, болалигимдан илмга иштиёқ уйғотган ўқитувчиларимни асло ёдимдан чиқармайман. Уларнинг тинимсиз меҳнати, изланишлари туфайли барча фанларга ҳавасим ортиб борди. Астойдил ихлос қўйган она тили ва адабиётдан эса республика олимпиадасида ғолиб чиқиб, олий ўқув юртига имтиҳонсиз кириш имтиёзига эга бўлдим.

Бундай ҳуқуққа эришганлар вилоятимизда кам эмас. Ангрен шаҳридаги ўзбек-турк лицейи талабалари Ориф-жон Ниғматов, Баҳодир Азимов, Дилшод Ғозиев, Янгийўл туманидаги 10-мактаб ўқувчиси Елена Саловьевалар ҳам бу йил республика олимпиадаларида ғолиб чиқиб ана шундай ҳуқуққа эга бўлдилар.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, истиқлол йиллари ичида халқ таълимига Президентимиз томонидан бўлган юксак эътибор, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлашда Миллий Дастур»нинг қабул қилиниши, маърифий муассасаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли ёш авлодга билим ва тарбия бериш мазмуни ҳам, шакли ҳам ўзгарди. Вилоятдаги мактабларда илм олаётган 493 мингдан зиёд ўқувчига миллати ва элатидан қатъий назар исталган тилда, хоҳлаган фанини чуқур ўрганиш учун тўла имкониятлар яратилди, 8та гимназия, 15 лицей, 270дан ортиқ мактабда 16 фандан чуқурлаштирилган дастур асосида ўқитиш йўлга қўйилди.

Ўрта мактабни битирганлар орасидан энг иқтидорлиларини «Умид» жамғармаси орқали хорижий мамлакатларнинг йирик дорилфунунларига йўллаш, олий ўқув юртларида билимлари, аҳлоқ-одоблари билан намуна кўрсатганларини турли юқори стипендиялар билан ҳаётга қадам қўйдилар. Биз уларга катта йўлда омадлар тилаймиз.

Саид ВАЛИЕВ.
Даврон АҲМАД олган суратлар.



ШЕЪРЛАРДА, ҚЎШИҚЛАРДА... АЁЛЛАР

АЁЛЛАР йили муносабати билан вилоятимизнинг қатор шаҳар ва туманларида сермазмун тадбирлар ўтказиш анъана бўлиб қолди. Бу борада, айниқса, Зангиота тумани хотин-қизлар қўмитаси фаолияти эътиборга лойиқ бўлмоқда.

Аниқ дастур асосида ташкил этилаётган қизиқарли суҳбатлар, унутилган миллий урф-одатларимизни янгича мазмун билан бойитиш, тадбиркор аёллар, қизлар кўрик-танловлари, маънавият, аҳлоқ-одоб мавзуидаги баҳслар ўзининг таъсирчанлиги билан иштирокчиларни мамнун этмоқда.

Яқинда туманнинг Назарбек қишлоғидаги 13-ўрта мактабда маҳалла ва бир неча оилалар ҳамкорлигида бўлиб ўтган «Аёл азиз ва муқаддасдир» деб номланган бадиий кеча байрамона тус олди. Шеърият, саҳна кўринишлари, куй, қўшиқлар орқали аёлнинг азиз ва муқаддаслиги ўз ифодасини топган бу давра-да 200 нафардан зиёд хотин-қизлар иштирок этди.

Шаҳло СУЛАЙМОНХЎЖАЕВА.

ЯЙРАБ ДАМ ОЛАСИЗ

ХАЛҚАРО болалар куни олдидан «Соғлом авлод учун» жамғармасининг вилоят бўлими байрамга режалаштирган тадбирларини амалга ошира бошлади.

Паркент, Қуйичирчиқ туманларида ўтадиган «Соғлом она — соғлом бола» танлови ғолибларига совғалар ҳозирлаб қўйилди. Жамғармага мунтазам ҳомийлик қилиб келаётган Жанубий Корея шифохонаси — «Силоам» ходимлари болажонларнинг саломатлигини назорат қилиш, камқонликда ишлатиладиган маҳсулотлар билан таъминлашда фаоллик кўрсатмоқдалар.

Тантана куни вилоятимиз туманларидаги меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари «Тошкент-ленд» истироҳат боғида бепул яйраб дам олишлари учун оромгоҳ ҳисобига маблағ ўтказиб қўйилди.

Шаҳло БЕКНАЗАРОВА.

«ҚАДРИЯТ» НАМОЙИШ ЭТАДИ

АНГРЕН шаҳридаги «Қадрият» вилоят театри ўз фаолиятини бошлаганига энди бир йилдан ошди. Лекин, қисқа муддат ичида у томошабинларнинг меҳрини қозониб улгурди.

Театрнинг бу йилги премьералари кўпчиликка манзур бўлди. Айниқса, Қўлдош Мирзонинг ҳикояси асосида саҳнага қўйилган «Арвоҳ қўлга тушди» томошаси ангренлик санъатихлосмандларини хурсанд қилди. Олмалик шаҳрида илк бор намойиш этилган драматург Эркин Хушвақтнинг «Чимилдиқ» комедияси ҳам яхши кутиб олинди. Комедиядаги бош ролларни Дилфуза Абдурахмонова ҳамда Илҳомжон Маҳмаловлар ижро этмоқда.

— Режаларимиз жуда катта, — дейди театрнинг бош режиссёри, вилоят маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази Ангрен шаҳар бўлими раҳбари Абдуҳошим Йўлдошев, — мақсадимиз ҳамшаҳарларимизни бақувват саҳна асарлари билан ҳамиша хушнуд этишдир. Ўйлайманки, санъат фидойилари бўлган театримиз жамоаси бу ишнинг уддасидан чиқади.

Феруза АҲМЕДОВА.

КЕЧА ҚАҲРАМОНИ — БИТИРУВЧИЛАР

ПАРКЕНТ туманида битирувчи синф ўқувчиларининг хайрлашув кечаси сифатида ўтказилган тадбир «Раҳбар-Ижодкор-Санъаткор учрашуви» деб номланди. Кечага Паркентдаги барча мактабларнинг битирувчи ёшлари, уларнинг устозлари ташриф буюрдилар.

Туман ҳокими Туроб Холтоев ўз дил сўзларини изҳор қилиб, битирувчи синф ўқувчиларига катта ҳаётга оқ йўл тилади. Кечада Тошкент Давлат консерваторияси ўқитувчиси, таниқли эстрада хонандаси Салоҳиддин Азизбоев ҳамда бир қатор шеърий тўпламлар муаллифи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Маҳмуд Тоировлар ҳам иштирок этишди.

Салоҳиддин Азизбоев ўзининг дилбар қўшиқлари билан йиғилганларни хушнуд этган бўлса, Маҳмуд Тоиров янги шеърларидан намуналар ўқиди. Куйлар раққосларга уланди. Битирув кечасига йиғилган йигит-қизлар олам-олам таассурот олдилар.

Тўйчи ДЎСТМАТОВ.

Моҳият

Наим КАРИМОВ: МАЪРИФАТ — САОДАТ КАЛИТИ

ИНСОН вужуддангина иборат эмас. Унинг ҳаёти фақатгина моддий эҳтиёжлар асосига қурилмаган. Маънавий-руҳий камолот — инсон ҳаётининг бош аъмоли. Шу боис ҳам ўтганлар ёдини хотирлаш, уларнинг ибратли ишларини ўрганиш, тирикларни қадрлаш, ёш авлодни маърифатли қилиб тарбиялаш, шу асосда жамият маънавиятини юксалтириш мустақил ўзбек давлати сиёсатининг бош йўналишини ташкил этади. Яқинда таъсис этилган Маърифатпарварлар жамиятининг раиси, филология фанлари доктори, профессор Наим КАРИМОВ билан суҳбатимиз мамлакатимиз маънавий ҳаётида кечаётган ислоҳотлар жараёни ва унда миллат зиёлиларининг тутган ўрни хусусида борди.

— Наим ака, куни кеча Президентимизнинг Ватанимиз озодлиги ва истиқлоли учун курашларда жон фидо этган, миллатни хуррият ва эркинликка чорлаган, шўро тузуми даврида қатағон қурбонлари бўлган минглаб фидойи инсонлар, шаҳид зиёлилар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг бой илмий-ижодий меросини янада чуқур ўрганиш тўғрисида Фармойиши қабул қилинди. Сиз ушбу Фармойишни бажариш юзасидан тузилган комиссия раиси сифатида унинг аҳамияти нимада, деб биласиз?

— Янги аср бўсағасидамиз. Албатта, бундай масъулиятли дамларда ҳар бир инсон ўз қилган ишларини сарҳисоб қилади. Янги юз йилликка ёруғ юз билан кириш учун яна қандай ишларни қилишим керак? — деган саволга жавоб излайди. Маълумки, қатағон йилларида, мустабид тузум даврида ўзбек халқининг энг маърифатли, энг зиёли фарзандлари мунтазам равишда таъқиб қилинган. Жуда кўпчилиги отилган, аксарияти 60-70 даража совуқ бўладиган жойларда маҳбус сифатида сақланган, қатағон қилинган. Менинг янги аср арафасидаги энг катта орзуим мана шу миллат фидойиларининг номлари абадийлаштирилса, уларнинг миллат дарди билан йўғрилган асарлари тўлиқ ҳолда нашр қилинса, уларнинг фаолияти ёшларимиз учун ибрат мактабига айланса, деб ўйлардим. Фикримча, бу фақатгина менинг эмас, барча миллат зиёлиларининг орзуси эди. Президентимизнинг куни кеча қабул қилинган Фармойишлари ушбу орзуимизнинг рўёбга чиқиши учун барча имкониятларни яратди. Шу жиҳатдан, мазкур Фармойиш кўпчилик учун айни муддао бўлганлигини таъкидлаш керак.

Фармойишга кўра мустамлакачилик, қатағон йилларида қурбон бўлган аждодларимизни номма-ном

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

1999 ЙИЛГИ БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИ ҲОСИЛИНИ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

жаликлар томонидан топширилган дон учун ҳисоб-китоб қилиш тартибини бир ҳафта муддатда ишлаб чиқсин.

4. «Ўзқишлоққўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси (Юсупов), «Ўзқишлоққўжаликмашхолдинг» компанияси (Матчонов) дон ҳосилини йиғиштириб олиш даврида саноат корхоналарини туманларга бириктириб қўйсинлар, саноат корхоналари билан «МТП» давлат-акциядорлик жамиятлари ўртасида тегишли шартномалар тузишларини таъминласинлар.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзавтотранс» давлат корпорацияси, «Ўзқишлоққўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси хўжаликларга уларнинг буюртманомаларига мувофиқ донни ташишда фойдаланиш учун юк автомобилларини юборсинлар.

Зарурат бўлганда дон ташишга Мудофаа вазирлиги ва бошқа вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг автомобиль транспорти томонларнинг келишувига асосан жалб қилинсин.

Донни хўжаликлар томонидан дон қабул қилиш пунктларига етказиб бериш бўйича транспорт харажатлари «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорацияси томонидан тўланиши белгилаб қўйилсин.

6. «Ўздавдонинспекция», «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорацияси ва «Ўздавназоратуруғмарказ» билан биргаликда тайёрланаётган дон ва бошоқли дон экинлари уруғлигининг сифати устидан кундалик назорат ўрнатсин, белгиланган меъёрлар ва қоидаларнинг бузилиши ҳолларига қатъий барҳам берсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда хўжаликларнинг 1999 йилда ўзлари етиштирган ҳосилдан ўз эҳтиёжларини таъминлайдиган ҳажмда уруғлик ғамлашини ташкил этсин.

Уруғлик донни «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорацияси билан тузилган контрактация шартномалари бўйича дон сотишнинг умумий ҳажмлари ҳисобига топшириш, шунингдек, товар дондан уруғлик сифатида фойдаланиш қатъий тақиқлансин. Уруғлик фондини яратишнинг белгиланган тартиби бузилишига йўл қўйган шахслар республика қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилсин.

8. Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорацияси ва жамғарманинг молия агентлари билан биргаликда топширилган дон учун, топширилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун якуний ҳисоб-китоб қилишда тўловларни амалга ошириш тартибига мувофиқ жамғарма маблағлари ҳисобидан хўжаликлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинишини таъминласин.

9. Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармасига, «Галла-банк», «Пахта-банк» ва бошқа тижорат банкларига хўжаликлар ва машина-трактор паркларини дон ўрим-йиғими мавсуми қатнашчиларига ўрим-йиғим ишлари бошидан бошлаб ҳар беш кунда Вазирлар Маҳкамасининг «1999 йилда пахта хом ашёси ва бошоқли экинлар дони харид нархлари ҳамда ички хўжалик иқтисодий механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 15 майдаги 248-сон қарорида назарда тутилган нархлар бўйича иш ҳақи тўлаш учун пул маблағлари ва тегишли нақд пул билан таъминлаш тавсия этилсин.

10. «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорациясига уруғчилик хўжаликларидан навли уруғларни сифатига мувофиқ — супер элита учун товар донга белгиланган нархдан 300 фоизга, элита уруғ учун 200 фоизга, биринчи репродукцияли уруғ учун 150 фоизга, иккинчи-учинчи репродукцияли уруғ учун 100 фоизга оширилган нархлар бўйича харид қилишга рухсат берилсин, улар давлат ресурсларига харид қилинадиган донниг умумий ҳажмларига киритилмасин.

11. Дон ташиётган темир йўл ва автомобиль транспорти хизматлари учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинишини таъминлаш мақсадида 1999 йил дон ҳосилини ташиш даврида, истисно тариқасида, шу йилнинг 1 ноябригача «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорацияси тизими корхоналари учун бевосита ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларга (транспорт харажатларини ҳисобга олган ҳолда) тушумдан 15 фоиз миқдорида маблағ ажратиш ставкаси белгилансин.

12. «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси (Аҳмедов) бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириш даврида хўжаликларга ҳамда ҳосилни ўришийғишда ва ташишда банд бўлган машина-трактор паркларига ёнилғи-мойлаш материалларини белгиланган лимитлар бўйича узлуксиз берилишини таъминласин. «Кейс» комбайнлари ва тракторлари учун мой етказиб берилишига алоҳида эътибор берилсин.

13. «Ўзагрокимётаъминот» бирлашмаси элеватор ва омборхоналарни, шунингдек, дон маҳсулотларини зарарли микроблардан тозалаш учун зарур миқдордаги фумигантларнинг ўз вақтида келтирилишини таъминласин.

14. Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари донниг нобуд бўлиши ва талон-тарож қилиниши ҳолларининг олдини олиш мақсадида донни ўриб-йиғиб олиш жойларида, хирмонларда ва дон қабул қилиш пунктларида кеча-кундуз ишлайдиган назорат постлари ўрнатсинлар, ёнғиндан сақлаш бўйича зарур тадбирларнинг бажарилишини таъминласинлар.

15. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги:

туман даражасидан бошлаб дон тайёрлашнинг ягона статистика ҳисобини юритсин, дон қабул қилиш пунктларидан хўжаликлар бўйича ҳисоботларни қабул квитанциялари нусхалари илова қилингандагина қабул қилсин;

дон етиштиришнинг умумий ҳажмини аниқлаш учун аҳоли хўжаликларида етиштирилган донни алоҳида сатрда ҳисобга олсин;

дон етиштириш ва сотиш тўғрисидаги статистика ҳисоботининг тўғрилигини мунтазам текшириб борсин ва аниқланган нотўғри маълумотлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасини хабардор қилсин.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош Вазир ўринбосари Б. Олимжонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1999 йил 24 май.

1999 йил — Аёллар йили

ТАДБИРЛАРНИНГ КЎЛАМИ КЕНГ

Аёллар йили муносабати билан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси хотин-қиз авиатор ходимларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётдаги мавқеини ошириш ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида махсус дастур ишлаб чиққан эди. Шу кунларда унда белгиланган тадбирлар бирин-кетин амалга оширилляпти. Ишларнинг бажарилишини ташкил этилган махсус комиссия назорат қилмоқда.

Компаниянинг бўлинмаларида 5600 нафардан ортиқ аёл авиаторлар ишлашмоқда. 12 ёшгача фарзандлари бўлган аёлларнинг ҳафталик иш соатлари қисқартирилди. Уларнинг маошлари тўла сақлаб қолинди. Бўлинмалар етарли маблағлари бўлган тақдирда 16 ёшгача болалари бўлган аёлларга қўшимча нафақа тўламоқда. Шу ёшдан кичик бир фарзанд тарбиялаётган аёлларга энг кам иш ҳақининг ярми, икки нафар бўлса, битта энг кам маош, уч нафар бўлса, унинг 1,4 баравари, тўрт ва ундан ортиқ бўлса, 1,75 баравари миқдорида нафақа тўланмоқда.

Бундан ташқари, болаларни ёлғиз тарбиялаётган аёлларга фарзандини соғломлаштириш оромгоҳларига юбориши учун бепул йўлланма берилади. Бунинг учун маблағни касаба уюшмаси ажратади. Йил давомида 4,5 мингга яқин авиация ходимлари бўлган аёллар ва уларнинг оила аъзоларини барча турдаги санаторий-соғломлаштириш муассасаларида саломатликларини яхшилаш назарда тутилган.

Халқаро хотин-қизлар куни — 8-март байрами муносабати билан республика фуқаро авиациясини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган, жамоа ишларида фаол қатнашган авиатор аёллардан 55 нафари компаниянинг Фахрий ёрлиқлари, 120 нафар хотин-қизлар эса пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Компания экологик носоғлом минтақаларда яшовчи оилаларга бегараз ёрдам кўрсатишни давом эттирмоқдалар. Жумладан, Оролбўйидан камида 150 нафар ўқувчи болалар ёзги таътилни компанияга қарашли «Авиатор» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ўтказадилар.

Чармиан ПЕРЕПЕЛИЦИНА.

МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТЛАРИ





ИНСОН учун бебаҳо бойлик — унинг саломатлигидир. Бу жиҳатдан олганда вилоят соғлиқни сақлаш тизимида бу йил дастур асосида анчагина тадбирлар амалга оширилмоқда. Қатор шаҳар ва қишлоқларда шифохоналар замонавий тиббий асбоблар билан таъминланди, янги муолажа хоналари очилди. Оналик ва болаликни муҳофаза этиш билан боғлиқ даво масканлари кўлами кенгайди. Айни пайтда туманлар марказларидан олис ҳудудларда фойдаланишга топширилган қишлоқ шифокорлик шаҳобчалари аҳолига хизмат кўрсатишда муҳим таянч бўлиб қолди.

Яқинда шундай тармоқлардан бири Янгийўл туманининг Назарали Ниёзов номли жамоа хўжалиги ҳудудида ҳам қад кўтарди. «Навбаҳор» номи билан аталувчи бу шифохонада Гулшод Махамбетова, Наргиза Неъматова, Маҳфуза Мадалиева, Гулойна Турсунбоева, Турсуной Жалилбоева каби малакали нажоткорлар беморларга хизмат кўрсатишмоқда.

СУРАТЛАРДА: (чапдан ўнгга) ҳамшира Гулойна Турсунбоева бемор болани назорат қилмоқда; қишлоқ шифокорлик шаҳобчаси биносининг ташқи кўриниши.
Даврон АҲМАД олган суратлар.

ЭНГ МУҲИМИ — СОҒ БЎЛИНГ

...Инсон, Оила, Аёл... Булар табиий ва ижтимоий маънода бир-бирини тўлдирувчи тушунчалардир. Кейинги пайтда мустақил юртимизда аёл ва оила масалаларига ниҳоятда катта эътибор каратилмоқда. Бу йилнинг Аёллар йили деб эълон қилиниши ва аёллар манфаатини ҳимоя қилиш, оила ва жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган Дастурининг амалда ишлай бошлаши ана шу ғамхўрликнинг яна бир кўринишидир.

Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда аёлларга қулай меҳнат ва дам олиш шароитларини яратиш, саломатлигини тиклаш ва бошқа ижтимоий муаммоларни ҳал этиш орқали Дастурнинг бажарилишини таъминлаш чораларини кўряпти. Жумладан, корхона ва ташкилотлар қошидаги санаторий-профилакторийда, аёлларни, шу билан бирга ҳисобда турганларни биринчи навбатда соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Болаларни ёзги мавсумда оромгоҳларга юборишда йўлланмалар биринчи навбатда кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандларига ажратилмоқда.

Касаба уюшмаларида аёлларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш орқали соғлиғини мустаҳкамлаш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда вилоят касаба уюшмалари ихтиёрида 30 стадион, 58 спорт зали ва 500дан ортиқ жисмоний тарбия ва спорт клублари мавжуд. Уларда 50 мингдан ортиқ киши мунтазам шуғулланиб туради. Вилоят касаба уюшмалари ташаббуси билан шу йили спортнинг бир қанча турлари бўйича спартакиадалар ўтказиляпти. Масалан, 7—8 май кунлари Чирчиқ шаҳрининг «Олмос» спорт-соғломлаштириш маркази ҳамда «Кимёгар» спорт заллари мухлислари билан тўлиб тошди. Бу ерда вилоят туманларининг ғолиб жамоалари ўзаро куч синашдилар. Икки кун давом этган мусобақалар чинакам қизғин курашлар остида ўтди. Ушбу спартакиада ғолиблари ўз навбатида Самарқандда бўлиб ўтадиган Республика финал босқичига йўлланмани қўлга киритдилар.

Аёллар йили муносабати билан хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган Дастурнинг ишлаб чиқилганлиги катта иш бўлди. Ана шу Дастурга асосланиб, вилоят автотранспорт ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмалари қўмитаси тармоқда ишловчи аёлларнинг иш соатларини ойлик-маошлари сақланган ҳолда 1-3 соатга қисқартиришга эришди.

Металлургия ва машинасозлик корхоналари ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси томонидан кам қонли аёллар, вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотган хотин-қизларни бепул дори-дармон билан таъминланаётганлиги эътиборга лойиқдир.

Бўстонлиқ туманидаги «Селеп» кичик корхонасида, Оҳангарон, Олмалиқ, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарларидаги кичик ва хусусий корхоналарда ишлаётган аёлларнинг 1 ҳафталик иш куни 2 соатга қисқартирилди. Паркент туманидаги «Автосервис» хусусий корхонасида аёллар корхона ҳисобидан тиббиёт муассасаларида даволанишлари мумкин.

Айни пайтда соғломлаштириш масканларида меҳнат қилаётган аёллар ўртасида «Ҳамшира-99» кўрик-танлови давом этмоқда. Унинг илк босқичлари март, апрель ойларида барча тиббиёт муассасаларида ўтказилди.

Вилоят касаба уюшмаларининг аёлларнинг истеъдодини рағбатлантириш ва оммалаштириш бўйича олиб бораётган ишлари ҳам самара беряпти.

Бу хайрли ишлар нафақат аёллар йилида, балки келгусида ҳам давом эттирилади ва такомиллаштирилиб борилади. Зеро, аёлларимиз бор экан, ҳаёт бор, олам бор, гўзаллик бор!

Зулфия ЭРГАШЕВА,
вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ходими.

МАСЪУЛИЯТИ УЛУҒ МАСКАН

ОҲАНГАРОН шаҳридаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси Мавлуда Назарова яқинда Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган халқ таълими ходимларининг республика анъанавий V анжуманида вилоятимиз вакиллари сафида иштирок этиб қайтди. У анжумандан олган таассуротлари ва фикр-мулоҳазаларини шундай ҳикоя қилади:

«Таълим жараёнида нутқ маданиятини шакллантириш масалалари» мавзусига бағишланган мазкур йирик анжуманга вилоятимизнинг 15 нафар она тили ва адабиёти фани ўқитувчилари сафида қатнашганимдан хурсандман. Кўйида мен айтмоқчи бўлган мулоҳаза анжуманнинг қандай ўтгани ҳақида эмас. У юқори савияда ташкил этилди ва ўтди. Лекин гап унда иштирок этган ўқитувчиларнинг қайси вазифалар ва муаммоларга кўпроқ эътибор қаратганида.

Шахсан менга маърузалардаги ўқув юртларига киришда бутун синов жараёнини тестлар ихтиёрига топшириб қўймасдан, боланинг ижодий қобилияти, нутқ маданиятини аниқлашда катта аҳамиятга эга бўлган оғзаки суҳбат ва ёзма иншоларни амалиётга киритиш ҳақидаги фикрлар жуда маъқул бўлди. Тўғри, замонавий компьютерлар ёрдамидаги тест синовлари таълим соҳамизда ажойиб янгилик бўлди ва биз унга тобора кўникиб ва ишониб бормоқдамиз. Лекин барибир ўқувчининг нутқ маданиятини шакллантириш, она тилимизнинг софлигини ва гўзаллигини таъминлаш олдимиздаги муҳим вазифалардан бири экан, бу соҳада зарур таклиф ва талаблар юкишга ҳақлимиз. Б. Бадуеле «Тилшунослик — математикадан ўн баравар мураккаб бўлган бир фандир» деган таърифни бежиз айтмаган. Иншо болани тўғри фикрлашга, чиройли ва таъсирчан сўзлашга, бошқа барча фанларни ўзлаштириш жараёнида сўз ва фикрни ўз ўрнида ишлатишга ўргатади.

Яна бир фикр. Маърузалардан бирида ўқувчи нутқий фаолиятини ривожлантириш мақсадида она тили ва адабиёти дарсларини давра суҳбатлари тарзида олиб бориш таклиф этилди. Мен бу усулни бундан икки йил олдин бошлаган эдим. Шу йил шаҳримизда бўлиб ўтган «Аёл, давр, назм» мавзуидани семинарда менинг бу фаолиятим қўллаб-қувватланди. Айни шу усулда дарс олиб борилаётган Бухоро туман 19-ўрта мактабда бўлганимизда, бу усулни улардагидек ҳар бир дарсда қўллаш ўринли эмас, деган хулосага келдим. Чунки, бу нарса ўзаро мусобақа, баҳс-мунозара шаклида вақти-вақти билан ўтказилиши муҳимроқдир.

МИЛЛИЙ ДАСТУР

Мен ўз фаолиятим давомида шу нарсага эътибор бердимки, болага тўғри тарбия бериш ва ундаги истеъдодни шакллантириш асосан ота-она ва ўқитувчи зиммасидаги масъулиятли вазифадир. Аммо бошланғич таълимда ўқитувчи фақат бола билан эмас, нутқ одоби ва тарбияси масаласида боланинг ота-онаси билан ҳам вақти-вақти билан машғулот ва суҳбатлар ўтказиб туриши зарур деб ўйлайман. Чунки ҳамиша ўзаро муносабатда бўладиган ота-она ва бола ўртасида, айниқса, бошланғич таълим жараёнида бўшлиқ бўлишига йўл қўймаслик керак. Анжуманда мана шу ҳақда бошқа иштирокчи ҳамкасбларимнинг фикрлари ҳам бир жойдан чиқди.

Биз ҳар жиҳатдан ривожланган ҳуқуқий-демократик жамият қуришни ният қилганмиз. Юртимизда бу борада олиб борилаётган улкан ишлар, дастлабки муваффақиятлар.Ватанимиз келажагининг чиндан ҳам ёруғ ва буюклигидан далолатдир. Аммо ёш авлодни ўша кунга тайёрлайдиган, уларнинг онги ва шуурини илм-тафаккур ила бойитадиган, бир сўз билан айтганда, зиммасига ёшлар тақдири масъулияти юклатилган улуғ маскан — мактабдир. Болаларнинг эртанги куни учун, демакки, жамиятимизнинг келажаги учун биз ўқитувчилар тўла жавобгармиз. Демак, Миллий дастурнинг бажарилиши, таълим-тарбия соҳасида чинакам фидойилик кўрсатиш — давр талабидир. Мен анжуман давомида нафақат республикамизда, балки вилоятимизда бундай фидойилар кўплигига ишонч ҳосил қилдим. Келгусида бошлаган ишларимизни янада ривожлантиришга, болаларга замон талаблари даражасида таълим бериш учун ўзимизнинг билимларимизни ҳам ошириб боришга ҳаракат қилмоғимиз керак экан.

Мавлуда НАЗАРОВА,
Оҳангарон шаҳридаги 1-мактаб ўқитувчиси.

ЭЪЗОЗГА ЙЎҒРИЛГАН ЙИЛЛАР



ИНСОН ёши улғайган сари умрнинг азизлигини, туғилиб ўсган Ватани, киндик қони тўкилган гўшасининг қадрини ўзгача меҳр-муҳаббат билан ҳис қилар экан. Ана шундан бўлса керак, Эргаш ака кейинги йиллар ичида таваллуд топган қишлоғидаги белоён далалар бўйлаб ўтувчи сўқмоқ йўллар узра сайр қилишни, болалик, ўсмирлик чоғларига гувоҳ бўлган дов-дарахтларга, қир-адирларга завқ билан узоқ тикилиб туришни ёқтирадиган, ўзига хос бундай саёҳатдан вужуди ором оладиган бўлиб қолди.

Айниқса, у бир вақтлари оддий кетмончиликдан иш бошлаган ҳозирги «Роватак» деҳқон-фермерлар уюшмаси хўжалигининг экин майдонларини жон дилдан севади. Эргаш ака бу жойларда 16 ёшидан бошлаб тер тўккан. Ўват чопиб, ариқлар тортган, қўш ҳайдаб, мола босган. Кейин қўлига ер ўлчагич таёқ ушлаб ҳисобчилик қилган. Шунинг учун ҳам бу заминнинг ҳар қаричи қадрдон, тупроғи кўзга суртгудек.

Э. Тўраев деҳқончиликда бир неча йил ишлагач, гап-сўзлари дадил, зеҳни ўткир, ҳозирги тенгдошларининг айтишларига қараганда «ҳисоб-китоб ишларида суяги йўқ» йигитчани идора хизматига таклиф этишди. Бу орада уруш бошланиб қолди. Мактабларда ўқитувчилар танқислиги сезиларди. Хўжалик бошқаруви Эргаш Тўраевни олти ойлик тайёрлов курсига юбориб ўқитгач, уни мактабга муаллим қилиб тайинлашди.

Шундайлар бор бўлсин

— Уруш йилларида ўқитувчи бўлиб ишладим, ана шу вақт мобайнида устозларим «сен, албатта, олий ўқув юртига киришинг керак, бунинг учун билиминг етарли», деб менга руҳ бағишлашган, — хотирлайди Э. Тўраев ўша кунларни.

Мураббийлар сўзи ерда қолмади. Эргаш Тошкент молия-иқтисод институтида беш йил таҳсил олди. Талабалик пайтларидаёқ у ўзи танлаган соҳасига чин ихлос қўйганлиги, фақат дастур асосида ўқитиладиган фанларнигина эмас, балки мазкур ихтисосликка оид қўлланмалар, рисолаларга ҳам қизиқиши катталиги билан курсдошлари орасида ажралиб турарди. Хўжаликларда ўтадиган амалиёт машғулотларида олган чуқур назарий билимларини тўғри қўллай билиши эса унинг ҳурматини ошириб борди. Кейинчалик мана шу ҳислатлари қўлига диплом олган ёш мутахассиснинг камолига йўл очаверди. Институтдан кейин уни республика Молия вазирлигида ишга олиб қолишди. Бу ердаги катта оилада чиниқди бой тажриба орттирди. Юксак малакаси, меҳнати туфайли у республика давлат суғурта бўлимида нозир, катта нозир, даромад бўйича нозир бўлиб ишлаган пайтларида ҳам, сўнгра Чиноз, Ўртачирчиқ туманларида молия бўлими мудири сифатида фаолият кўрсатганида ҳам иззат-икромга, жамоа ҳурматига сазовор бўлди.

— Молия ишида асосан рақамлар билан машғул бўласиз, — дейди Эргаш ака, — юрсангиз ҳам, турсангиз ҳам кўз олдингизда фақат рақамлар. Аммо уларнинг тагида олам-олам мазмун бор. Ҳар бир вилоят, туман ёки хўжаликнинг ижтимоий-иқтисодий ривожи, маданий равнақи уни молиявий манбалар билан оқилона таъминлашга, бунда ўша ҳудуднинг умумий қозонга қўшаётган ҳиссасини холис ва аниқ белгилай билишга боғлиқ. Айни пайтда молия ходими хизмати бюджет ҳисобидаги ташкилотлар, бу манбадан баҳраманд бўладиган инсонлар тақдирига тўла дахлдор. Бу эса, албатта, соҳа кишиларидан катта масъулият ва ҳалоллик талаб этади.

— Шунча йиллар рақамлар билан ишласангиз ҳам суҳбатимиз чоғида улардан бирортасини қўлламадингиз? — ҳазиломуз сўрадик Э. Тўраевдан.

У мийиғида кулиб:

— Майли, рақамли жумлаларни ҳам ишлатайлик бўлмаса, — деди ва мулойимгина қўшиб қўйди, — шу соҳада 50 йил ишладим. 75 ёшга кирсам ҳам уни тарк этмадим. Пенсияга чиққач, Молия вазирлигининг Ўртачирчиқ туманидаги оромгоҳида хизмат қиляпман. Ўтган йиллар ичида бу масканда 200 тупдан кўп мевали-манзарали дарахтларни вояга етказдим.

— Демак, боғбон ҳам экансиз-да?!

— Шундай деса ҳам бўлади.

Мулоқотимизга Э. Тўраевнинг сафдоши, бир неча йиллардан бери молия соҳасида ишлаб келаётган Абдурашид ака Раҳимбоев қўшилди.

— Бу кишини ўз оиласининг боғбони сифатида ҳам таниймиз, — деди А. Раҳимбоев. — Беш ўғил, тўрт қиз, 33 невара, 10 чевараниг бобоси сифатида ҳамиша эъзозда. Унинг кўп йиллик хизматлари муносиб тақдирланган. Республикада хизмат кўрсатган иқтисодчи, қатор Фахрий ёрлиқлар соҳиби. Истиқлол йиллари ичида кўкрагини «Шуҳрат» медали безади. У босиб ўтган умр йўлига фақат Ўртачирчиқдагина эмас, вилоятда ҳам ҳавас қилишади.

Абдурашид акани тинглар эканмиз, Эргаш Тўраев ортда қолдирган йиллар ҳақида ўйладик. Дарҳақиқат, улар бесамар кетмаган. Оддий деҳқонни босқичма-босқич камолот сари етаклаган йиллар. Улар инсонни фидойи меҳнати эвазига иззат-икромга, қадр ва ҳурматга, эҳтиром ва эъзозга йўғрилган йиллар. Бундай умр чиндан ҳам ҳаваслидир.

Саидвали ҲАСАНОВ.

Моҳият

Наим КАРИМОВ:

МАЪРИФАТ — САОДАТ КАЛИТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

аниқлаш, уларнинг таржимаи-ҳолларини ўрганиш, илмий-ижодий меросини тиклаш, тўплаб нашр этиш учун махсус комиссия тузилган. Мазкур комиссияга ҳамма архивлардан фойдаланиш ҳуқуқи берилган. Маълумки, Шўро даврида жадидчилик ҳаракати намояндалари фаолиятига оид жуда кўп ҳужжатлар махфий сақланган. Ҳаттоки, жадидларнинг машҳур вакиллари Фитрат, Абдулла Қодирий, Мунавварқори ва Чўлпон тўғрисида ҳам бор ҳақиқатлар ҳозирча аниқланган эмас. Ушбу Фармойиш муносабати билан улар ҳақидаги асл ҳақиқатни (агар ҳужжатлар куйдириб ташланмаган, йўқотилмаган бўлса) аниқлаш имкониятига эга бўламиз.

Фармойишнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, шаҳид зиёлиларимиз илмий-ижодий меросини ўрганиш натижасида мустақиллик шарофати билан давлат тили мақоми берилган она тилимиз тарихини чуқурроқ, теранроқ ўрганиш имкониятига эга бўламиз. Биз яхши биламизки, Фитрат асл туркий сўзларни тиклаш тарафдори бўлган. Унинг ҳали аниқланмаган асарлари бу ҳақда ҳам бой маълумотларни беради. Бу хайрли ишни давом эттириш учун шароит яратилади.

Бундан ташқари, ушбу Фармойиш яна шуниси билан аҳамиятлики, унинг шарофати билан асл тарихимизни, шажарамизни билиш имконияти туғилди. Ҳар бир мусулмон фарзанди етти пуштини билиши керак. Таассуфлар бўлсинки, қатағон йилларида жуда кўп қариндошларимиз, миллатнинг гуллари хорижга кетишга мажбур бўлганлар. Аксариятига «миллатчи», «халқ душмани» тамғалари босилган. Шўро даврида уларнинг номларини тилга олмасликка ҳаракат қилинди. Мустамлакачилик ва қатағон йилларида қурбон бўлган аждодларимизни номма-ном ўрганиш асосида ҳар бир оила ўз сулоласини тиклаш имкониятига, халқ ўзининг мукаммал тарихига эга бўлади.

Шунингдек, XVI-XIX асрларда инқирозга юз тутган ўзбек давлатчилигини тараққийга олиб чиқишни мақсад қилган, умуммиллат миқёсида маънавий-маърифий юксалишга эришишни орзу этган жадидчилик ҳаракати намояндаларининг бизга маълум бўлмаганлари ҳам талайгина. Халқ оғзаки ижоди ва миллий адабиёт намуналарини тўплаш, миллий урф-одатларни, ўзбек этнографиясини, ўзбек тилини ўрганиш мақсадида тузилган «Нашри маориф», ўз олдига сиёсий мақсадларни қўйганлиги сабабли шўролар томонидан тугатиб юборилган «Чиғатой» гурунги» ташкилотлари фаолиятига оид бизга ҳозиргача маълум бўлмаган маълумотларни ўрганиш қатағоннинг, ялпи қатли омнинг нечоғлик катта кўламда бўлганлигини кўрсатиш имкониятини беради. Фармойиш муносабати билан булар ҳақидаги асл ҳақиқатлар юзага чиқади. Албатта, бу миллат ёшларнинг тарбиясида муҳим аҳамият касб этади, уларни бугунги саодатли кунларнинг қадрига етишга ундайди.

— Наим ака, сиз яқинда таъсис этилган Маърифатпарварлар жамиятининг ҳам раиси экансиз. Айтингчи, бу жамиятнинг ўз олдига қўйган вазифалари нималардан иборат? Кимлар бу жамиятга аъзо бўлиши мумкин? Шулар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Маърифатпарварлар жамиятининг таъсис этилиши ҳам истиқлол шарофати. Ташаббускори ва ташкилотчиси Президентимизнинг шахсан ўзлари бўлган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишга кўмаклашиш — жамиятнинг бош мақсади. Бу дастур миллат зиёлилари зиммасига улкан масъулият юклайди. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, «...бизнинг келажагимиз, мамлакатимиз келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ». Шу маънода, Маърифатпарварлар жамиятининг олдига қўйган вазифаларидан бири мактабларни, мактабгача тарбия муассасаларини ўз назоратига олиш, ёшларимизни кимлар ўқитяпти, ўқитувчиларнинг ўзи бугунги талабларга жавоб берадими? Мактабларнинг биноси, техник жиҳозланиши талаб даражасидами? — каби масалаларни ўрганишдан иборат.

Иккинчидан Маърифатпарварлар жамияти ёшлар масаласи билан жиддий шуғулланади. Февраль воқеалари ёшларимизнинг маълум бир қисми буюк келажагимизни қуришга тайёр эмаслигини кўрсатиб қўйди. Демак, таълим-тарбия муассасалари ҳам, жамоат ташкилотлари ҳам ёшларни ўз назоратидан четга чиқариб юборган экан. Мен кўп ўйлайман. Ёшларимиз ҳайит кунларида, амри маъруфлар пайтида масжидларга оқиб боради. Агар Чўлпонга, Фитратга ёхуд бошқа бир улуғларимиз илмий-ижодий меросига бағишланган кечалар ўтказадиган бўлсак, бундай ҳол кузатилмайди. Демак, биз ёшларимизда шундай маданиятни тарбиялай олмаганмиз. Демак, улуғ аждодларимиз, миллатнинг фидойи фарзандлари фаолиятини етарли даражада тарғиб эта олмаганмиз. Маърифатпарварлар жамияти мана шу масалаларни ҳал этишга алоҳида аҳамият беради. Ёшлар муаммоси билан жиддий шуғулланади. Уларни маърифатнинг асл моҳияти билан ошно этади, Ватан, миллат манфаатлари муқаддас эканлигини улар қалбига сингдириш учун ҳаракат қилади. Мен Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида ишлаш жараёнида Абдулла Қодирий, Чўлпон ва Фитратнинг бир неча жилдлик асарларини илмий изоҳлар билан нашрга тайёрлаш ишида қатнашдим. Уларнинг аксарият жилдлари нашр этилганича йўқ. Маърифатпарварлар жамияти нашр ишлари билан ҳам шуғулланади. Ҳали етарли даражада ўрганилмаган Мунавварқори, Ибрат ва бошқа кўпгина маърифатпарварлар фаолиятини тадқиқ этиш, асарларини чоп қилишни режалаштирганмиз. Бу ишларни амалга оширишда маърифатпарвар зиёлиларимиз кўмагига таянамиз.

— Бу ишларни амалга ошириш катта маблағларни талаб қилади. Маърифатпарварлар жамиятининг моддий имкониятлари шунчалик катта кўламдаги ишларни бажариш учун етарлими?

— Биз уч йил мобайнида амалга ошириладиган ишларимиз режасини ишлаб чиқмоқчимиз. Мана шу режа асосида давлат бюджетидан маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, саховатли юртдошларимиз ёрдамига ҳам таянамиз. Мен Маърифатпарварлар кенгаши аъзолари орасида катта маблағ эвазига қишлоқдаги эски мактабни бузиб, янги мактаб қурган фидойи инсоннинг номини учратдим. Бундай саховатли одамлар халқимиз орасида кам бўлмаса керак. Бундан ташқари, тижорат соҳасида ютуқларга эришган, маълум бир сармоя орттирган, шу сармояни маърифий ишларга сарф қиладиган тадбиркорлар ҳам мавжуд. Ўйлайманки, биз мана шундай саховатли кишилар ёрдамида катта миқёсдаги маърифий тадбирларни амалга оширамиз.

— Президентимиз Олий Мажлиснинг XIV сессиясида жамият тараққиётининг устувор йўналишларини белгилаб бердилар. Шулардан бири ва энг асосийси сифатида жамият маънавиятини юксалтириш масаласини алоҳида таъкидладилар. Сизнингча, жамият маънавиятини юксак даражага кўтариш учун нималарга эътибор бериш зарур?

— Бу масала ҳам бевосита ёшлар тарбияси билан боғлиқ. Биз маънавий-маърифий ислоҳотларни юксак даражада амалга ошириш учун фарзандларимиз камолотига алоҳида эътибор беришимиз керак. Бунинг учун барча имкониятларни ишга солишимиз, энг аввало, ривожланган таълим тизимини йўлга қўйишимиз лозим. Мамлакатимизда жадал суръатлар билан амалга оширила бошлаган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури мана шундай тизим вазифасини бажара олади.

Иккинчидан, ёшларимизнинг кийиниш маданиятини, муомала маданиятини мукаммаллаштирмоғимиз зарур. Миллий театр, кино санъатининг ютуқларидан самарали фойдаланишимиз керак.

Учинчидан, китобхонлик маданиятини юқори даражага кўтаришимиз лозим. Бинобарин, китобсиз маърифатга, юксак маънавиятга эришиб бўлмайди. Умуман, маънавият масаласи ҳар бир фуқаронинг виждон ишига, қалб амрига айланмоғи керак. Зеро, маърифатсиз, маънавиятсиз саодатга эришиб бўлмайди.

Нурбой АБДУЛ ҲАКИМ, «FIDOKOR» мухбири.

«FIDOKOR» газетасининг 18 май сонидан.

КАРТОШКА УРУҒЧИЛИГИ МУАММОСИНИ ҲАЛ ҚИЛСА БЎЛАДИМИ?

АЙНИ кунларда деҳқон бозорларини айланиб кўринг-а. Янгигина кавлаб олинган картошка, пиёз ва бошқа сабзавот маҳсулотлари анча тўкин.

Айтишяптики, мева-чевани совуқ уриб кетди, бу йил ниҳоятда тақчил бўлади, деб. Тўғри, лекин, юртчилик, бу ноз-неъматлар ҳам насибамизга яраша чиқиб қолади.

Дастурхонимизнинг тўкинлиги — бу энг аввало мустақиллик меваси: деҳқоннинг ерга эгалик қилаётганлиги, меҳнатни ташкил этишнинг оила, ижара пудрати йилдан-йилга кенг жорий этилаётганлиги, фермерчилик ҳаракати ривожланаётганлигидандир. Лекин бир нарса ҳақиқатки, бозорларда чинакамига тўкинчилик, арзончилик бўлиши — бу кўп жиҳатдан деҳқонларимизнинг сара ва сифатли уруғга бўлган эҳтиёжларини қондиришга боғлиқдир.

Очиғини айтганда, деҳқонлар ҳам қараб туришаётгани йўқ. Улар ҳам ота-боболаримизнинг удумларига амал қилиб, асосий экинларнинг уруғларини ўзлари ер, иқлим, тупроқ шароитларига мос қилиб тайёрлаш ва кўпайтиришга эътибор бермоқдалар. Бу борада олимлар, тажрибакорларнинг ҳамкорлиги яхши самаралар бераётир. Шу тариқа сабзавот уруғчилиги муаммоси бир қадар ҳал этилган, десак янглишмаган бўламиз.

Ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги билан картошкачиликни ривожлантириш, бунинг учун эса энг аввало, уруғчиликни ҳал этиш соҳасида ҳам кейинги беш-олти йил ичида бирмунча тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Голландиядан картошканинг серҳосил уруғлари келтирилиб экилди. Сир эмас, жуда кўп хўжаликлар бу нав картошка агротехникасини ўзлаштириб, уни парвариш қилишнинг илғор усуллари қўлланиб, яхши ҳосил олдилар. Айрим деҳқонлар эса четдан келтирилган уруғликлардан олинган ҳосилдан ўз ерлари учун етарли уруғлик ҳам тайёрлай бошладилар. Ҳар ҳолда натижа ёмон бўлмади. Лекин, барибир уруғликни узоқдан ташиб келтириш хоҳлайсизми, хоҳламайсизми, анча ташвиш туғдиради. Бир ёқдан йўл, транспорт ҳаражатлари қиммат бўлса, иккинчидан бу уруғликларни ҳамма вақт ҳам белгиланган муддатда келтириб, хўжаликларга тарқатиш имконияти бўлмай қолади. Муддатидан кеч экилган уруғ эса ҳар қанча сара ва яхши бўлгани билан мўлжалдаги ҳосилни бермайди. Маҳсулот таннархи ортиб кетади. Шунинг учун ҳам мутахассислар, тажрибакорлар билан маслаҳатлашиб, соҳани ривожлантиришнинг ягона йўли — уруғликни ўзимизда етиштириб, ўзимиз тайёрлашимиз керак, деган қатъий хулосага келдилар.

Хўш, бу соҳада қандай ишлар қилинмоқда?

Илм ва тажриба

— дейди сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти директори Рафиқ Ҳакимов, — зимамизга ғоят катта масъулият юклайди. Олимларимиз ҳамиша бу масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда меҳнат қилиб келмоқдалар. Картошка уруғчилиги тизимини тўғри йўлга қўйиш, маҳаллий шароитимизга мослашган навларни яратиш борасида баъзи бир ютуқларга эришилди. Хусусан, картошканинг ўртапишар «Тўйимли» ва кечпишар «Акраб» навлари яратилди. Ҳозирги пайтда эртапишар «Умид» нави синовдан ўтмоқда. Бундан ташқари яна 2та истиқболли нав ҳам ажратиб олинди. Ўтган йили 3 минг дона биринчи уруғ клони олинди ва бу йил синов учун экилади. Улардан яна 10 минг дона янги клон қайтадан олинади. Ўтган йили Паркент туманидаги «Бойқозон» жамоа хўжалигида ва Зангиота туманидаги «Иттифоқ» жамоа хўжалигида «Тўйимли» навидан юз тоннадан ортиқроқ уруғлик тайёрланди.

Уруғликни олиш бошқа, уни экиб, агротехникасини ўрнига қўйиб жорий этиш, парваришлаб, кўнгилдагидек натижаларга эришиш анча мураккаб, сабр-тоқат, изланиш талаб этади. Олимларимиз бу соҳадаги дастурга мувофиқ Андижон, Наманган, Фарғона, Сирдарё, Самарқанд, Тошкент вилоятларининг бир қанча хўжаликларида илмни амалиёт билан қўшиб олиб бориб, яхши натижаларга эришмоқдалар.

Бундан ташқари ўтган йили Польша, Голландия, Германия давлатлари билан ҳамкорликда картошканинг бир қанча янги навлари бизнинг иқлим шароитимизда синаб кўрилди. Оқибатда улардан ўндан ортиғи давлат реестрига киритилди.

Покистон билан ҳамкорликда эса меристема усули билан вирусдан холи, соғлом уруғлик картошка етиштириш бўйича илмий изланишлар давом эттириляпти. Япония, Америка мутахассислари билан биргаликда олиб борилаётган ишлар ҳам ўз самарасини бераётир. Яқинда Голландиянинг «Рижк Шван» фирмаси картошканинг Ўзбекистон шароитига мос келадиган серҳосил навларини яратиш йўлида биргаликда иш олиб боришни таклиф қилдилар. Мутахассислар билан ўзаро фикр алмашиб, келишиб олдилар. Биз аминмизки, келгусида картошкачилик ривожланибгина қолмай, ҳатто, хорижга ҳам ўзбек картошкаси уруғи ва маҳсулотларини жўнатиш учун имконият яратилади.

Биз юқорида сабзавот уруғчилиги бир қадар ҳал этилган, дедик. Лекин бу соҳада ҳам изланишлар қизғин давом этмоқда. Бу йил пиёзнинг давлат ва ишлаб чиқариш синовидан ўтган, яхши сақланадиган «Истиқбол», сабзининг «Тўқсонбости» ва «Зийнатли» навлари районлаштирилди. Ҳозирги кунда сабзавот экинларининг 8та, қовун-тарвузнинг 5та янги нави синаб кўрилмоқда.

Помидорнинг ТМК номли нави ҳам мазкур илмгоҳда яратилганига ва ишлаб чиқаришга жорий қилинганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Ҳосилининг таъми, муҳими, узоқ масофага ташиш учун чидамли ва қулайлиги билан истеъмолчиларга маъқул бўлди. Шунингдек, институт олимлари қовоқнинг калтапалак навини ҳам яратиш бўйича тадқиқот ишларини ниҳоясига етказай деб қолдилар.

Республикамизда бошоқли дон экинлари майдонлари кенгайди. Шу сабабли ғалладан бўшаган майдонларга экиладиган такрорий экинларнинг тезпишар, серҳосил навларини яратиш долзарб вазифа бўлиб қолди. Бу борада ҳам олимлар бирмунча ишларни бажариб қўйдилар. Натижада, такрорий экинларни экиш муддатлари, уларни жойлаштириш, ишлов бериш усуллари такомиллаштирилмоқда. Қисқаси, илмгоҳ олимлари ва мутахассислари мустақиллик берган имкониятлардан самарали фойдаланиб, сабзавот ва картошка уруғчилигини тўла-тўкис ҳал этиш учун енг шимариб, астойдил меҳнат қилмоқдалар. Лекин бу борада муаммолар ва тўсиқлар ҳам йўқ эмас. Ўйлаймизки, мутасаддилар бу муаммоларни ҳал этишда олимларимизга амалий ёрдам берадилар. Уларнинг яна ҳам самарали меҳнат қилишлари учун барча зарур шарт-шароитларни муҳайё қилиш — мўл-кўлчиликни таъмин этишда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Раҳмонали АКБАРАЛИЕВ.

«ҚИБРАЙ БАРАКА НОН»


ҚИБРАЙДА яқинда фойдаланишга топширилган новвойхонага ана шундай ном бердилар.

Бу ерда ёпилаётган нон ҳажми ва тури кун сайин кўпаймоқда, харидоргир бўлиб боряпти. Бир кунда истеъмолчиларга минг дона атрофида булка нонлари етказиб берилмоқда.

Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати кунига фақат булкадан икки мингта тайёрлашга мўлжалланган. Айни вақтда талабни ҳисобга олиб, ноннинг бошқа турларини ёпиш тараддуди ҳам кўрилмоқда. Кичик корхонада ўнтадан ортиқ ишчи ўрни бўлади.

Даврон АҲМАД.





СУРАТЛАРДА: новвойлардан Шерзод Юсупов ва Раъно Муҳамедовалар иш устида; корхонанинг дўконидан доим иссиқ нон харид қилиш мумкин.

Муаллиф олган суратлар.

САНЪАТИМИЗ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

ЎЗБЕКИСТОН Бадиий академияси бадиий ижодкорлар уюшмасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда уюшманинг ўтган йилги ижодий фаолияти ва 1999 йил режалари муҳокама этилди. Бадиий ижодкорлар уюшмасининг раиси Т. Қўзиевнинг шу ҳақдаги ҳисоботи тингланди.

Йиғилишда таъкидлаганидек, рассомлар ва амалий санъат ижодкорлари мамлакатимиз маданияти ва санъатини янада ривожлантириш ва тарғиб қилишга муносиб ҳисса қўшишга интилмоқдалар. Ҳозирги кунда мингдан ортиқ аъзоси бўлган уюшма жаҳоннинг ўн саккизта давлати билан маданий алоқалар бўйича битимлар тузган.

Ўзбекистоннинг бой маданий меросини, замонавий, тасвирий ва амалий санъатини Ватанимизда ҳамда хорижда кўргазма фаолияти орқали кенг тарғиб қилиш уюшманинг асосий вазифаларидан биридир. Ўтган йили бу борада бадиий кўргазма дирекцияси томонидан тасвирий ва амалий санъат усталарининг эллик бешта кўргазмаси ташкил этилди. Аёллар йилига бағишланган «Аёл қалбида олам тасвири» кўргазмаси республика маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар мамлакатимизда санъатга эътибор тобора юксалиб бораётгани, давлатимиз раҳбари маданиятимиз ва маънавиятимизни ривожлантириш тўғрисида катта ғамхўрлик қилаётганини таъкидладилар. Бу эса ижодкорларимизни Ватанимиз ва санъатимиз равнақи йўлида янада самаралироқ фаолият кўрсатишга илҳомлантирмоқда.

(ЎзА).

ОЧИҚ ТУРДАГИ «ТОШВИЛКИТОБСАВДО ВА ТАЪМИНОТ» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИОНЕРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ҲИСОБОТ-ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

Очиқ турдаги «Тошвилкитобсавдо ва таъминот» акционерлик жамияти бошқаруви шуни маълум қиладики, 1999 йил 24 июнь соат 11.00да Тошкент шаҳри Ж. Остонова кўчаси, 7-манзилгоҳида акционерларнинг умумий йиғилиши очилади.

Рўйхатга олиш соат 10.00дан бошланади.

КУН ТАРТИБИГА ҚУЙИДАГИ МАСАЛАЛАР КИРИТИЛГАН:

1.1998 йил иш якунлари — йиллик молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳисоботи ва 1999 йилдаги вазифаларни тасдиқлаш.

2. 1998 йилдаги хўжалик фаолияти якунлари бўйича аудитор текшируви натижалари ва тафтиш комиссиясининг далолатномасини тасдиқлаш.

3. Қимматли қоғозлар бўйича йиллик ҳисоботни тасдиқлаш.

4. 1998 йил фойдаси, жумладан, дивидендни тақсимлаш ва уларни тўлаш тартиби.

5. Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси бошқарувини қайтадан сайлаш.

6. Бошқа масалалар.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

мамлакатлар ● одамлар ● воқеалар

Воқеалар тўлқинида

● МЕХИКО. Мексика шимолидаги беш штатда узоқ вақтдан буён қурғоқчилик давом этаётгани сабаб, бу ерлар «Табиий офат ҳудуди» деб эълон қилинди. Айни пайтда мамлакат ҳукумати мазкур штатларга ёрдам кўрсатиш учун катта ҳажмда маблағ ажратди.

Узоқ вақтдан буён Синалоа, Сонора, Чиуауа, Дуранго ва Коауила штатларида ёмғир бўлмагани учун мамлакат қишлоқ хўжалиги оғир аҳволга тушган. Сув омборларининг сатҳи сезиларли даражада пасайган.

● ПАРИЖ. Франция раҳбари Жак Ширак 23 май куни Германияда президент сайловида ғолиб чиққан Йоҳаннес Рауни янги лавозими билан қутлади.

Жак Ширакнинг Германия давлатининг янги раҳбарига йўллаган мактубида ёзилишича, Европа Иттифоқининг гуллаб-яшнашида ва минтақада барқарорликни мустаҳкамлашда Франция билан Германиянинг ҳамжиҳатликда фаолият олиб бориши муҳим ўрин тутади.

● ПЕКИН. Хитой ҳукумати Албанияга иқтисодий ёрдам сифатида 5 миллион юан (600 минг АҚШ долларига тенг) миқдорида маблағ ажратди. Бу ҳақда ХХР Раиси Цзян Цзэминнинг вакили Албания президенти Ражаб Майдонига маълум қилди.

Хитой томонидан ажратилган иқтисодий ёрдам косоволик қочқинларнинг моддий таъминотига сарфланади.

● АШҒАБАД. Туркманистон ва Ҳиндистон ҳукуматлари туркман газини Ҳиндистонга етказишни кўзда тутадиган лойиҳа ишлаб чиқиш учун ишчи гуруҳи тузишга келишиб олди. Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Жасвант Сингҳнинг Туркманистонга ташрифи чоғида ана шундай аҳдлашувга эришилди.

Айни пайтда мазкур гуруҳга Покистон ҳам қўшилиш истагини билдирди.

ГЕРМАНИЯНИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ

Германиялик машҳур сиёсатчи, шимолий Рейн-Вестфалия ерининг собиқ Бош вазири Йоҳаннес Рау Германиянинг янги президенти этиб сайланди. Берлиндаги Рейхстаг биносида бўлиб ўтган сайловда 690 депутат Й. Рау номзодини қўллаб-қувватлаб овоз берди.

Сайловда Германия конституцион органининг 1300дан ортиқ депутати иштирок этди. Бу орган мамлакат президентини сайлаш учун махсус тузилган бўлиб, унинг 669 нафар аъзоси Бундестаг (парламент), яна шунча нафари эса федерал ерлар (пандтаглар) парламентлари вакилларидир.

Президент сайловига уч кишининг номзоди қўйилган эди. Биринчи номзод Германия социал-демократлар партиясидан Йоҳаннес Рау бўлса, иккинчиси христиан-демократлар ва христиан-социалистлар иттифоқларидан номзоди кўрсатилган Дагмар Шипанскидир. У машҳур физик олим сифатида донг таратган. Ниҳоят учинчи номзод демократик социализм партиясидан Ута Ранке-Хайнеман эди.

Амалдаги қонунга мувофиқ, президентликка номзоди қўйилган шахс ғалаба учун дастлабки икки турда яширин овоз бериш йўли билан депутатларнинг мутлақ кўпчилик овозини олиши керак. Й. Рауга бунинг учун биринчи турда ўн уч овоз етмади. Аммо у иккинчи турда федерал йиғин аъзоларидан 690 нафарининг овозини олди. Бу керагидан ҳам ортиқдир. Унга асосий рақиб саналган Дагмар Шипански 572 овозга эга бўлган эса, Ута Ранке-Хайнеман номзодини 62 нафар депутат маъқуллади.

Мамлакат Конституциясига мувофиқ, қирқ ёшдан ошган ҳар бир фуқаро давлат раҳбари лавозимига ўз номзодини суриш ҳуқуқига эга. Президент беш йил муддатга сайланади. Бир киши икки бор кетма-кет бу лавозимни эгаллаши мумкин. Мамлакат раҳбарини федерал йиғин, яъни конституцион орган сайлайди. Юқорида таъкидланганидек, ушбу орган Бундестаг депутатлари ва федерал ерлар парламентлари вакилларидан ташкил топган. Мамлакатнинг ҳозирги президенти Роман Херцогнинг ваколати тугаётган эди. Лекин у иккинчи бор номзодини бу лавозимга қўйишни истамади.

Шу ўринда Германиянинг янги президенти ҳақида қисқача маълумот бериш ўринлидир. Йоҳаннес Рау 1931 йилда туғилган. Мутахассислиги — ноширь. У 1957 йилда Германия социал-демократлар партиясига аъзо бўлган. 1970 йилда шимолий Рейн-Вестфалия ерлари ҳукуматининг фан ва тадқиқот масалалари бўйича вазири этиб тайинланган. Орадан икки йил ўтгач, мазкур ернинг бош вазири бўлган ва 1998 йилга қадар шу лавозимда фаолият кўрсатиб келган. Унинг номзоди бир неча бор юқори лавозимларга кўрсатилган. Жумладан, Й. Рау 1987 йилда канцлерлик, 1994 йилда президентлик сайловида иштирок этган.

Й. Рау ГФР Конституциясига асосан, жорий йилнинг биринчи июлидан бошлаб президентлик вазифасини бажаришга киришади.

Равшан МАҲМУДОВ. ЎзА шарҳловчиси.

БОКУ-ЖАЙҲОН ҚУВУРИ ҚУРИЛАДИ

Каспий ҳавзаси нефтини жаҳон бозорига етказиб беришга мўлжалланган Боку-Жайҳон нефт қувурининг қурилиши яқин уч ой мобайнида бошланиши режалаштирилмоқда. Бу ҳақда Туркияга дам олиш учун келган Озарбайжон президенти Ҳайдар Алиев эълон қилди. Унинг таъкидлашича, шу муддат ичида лойиҳани молиялаштириш билан боғлиқ барча масалалар ҳал қилинади.

Маълумки, яқинда Истанбулда бўлиб ўтган Туркия, Озарбайжон ва Грузия вакиллари учрашувида уч ой ичида нефт қувурини лойиҳалаш ишлари тугалланиши ҳақидаги баённома имзоланган эди.

ГУРУҲ КЎЛГА ОЛИНДИ

Тбилисида Грузия президенти Эдуард Шеварднадзега қарши террорчилик ҳаракати ташкиллаштиришда гумон қилинган шахслар гуруҳи кўлга олинди. Ҳозирча гуруҳнинг қанча кишидан иборатлиги ва аъзоларининг шахсияти ҳақида маълум қилинмаяпти. Мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг маълумотларига кўра, ушбу гуруҳ давлатга ва мамлакат президентига қарши ўта хавфли жиноятни режалаштирган. Грузия хавфсизлик вазирлиги ушбу далиллар асосида жиноий иш қўзғади.

ВИКТОР БАБЮКНИНГ ТЎРТ КУНЛИК САФАРИ

Руминия миллий мудофаа вазири Виктор Бабюк тўрт кунлик ташриф билан Грузияга келди. У ташриф давомида Грузия президенти Эдуард Шеварднадзе, мудофаа вазири Давид Тевзадзе, давлат вазири Важа Лордкипанидзе ҳамда парламент раиси Зураб Жвания билан учрашди. Учрашувларда икки давлат ўртасида мудофаа соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

(ЎзА).

ТИКОН УЧИДА ОЧИЛГАН ГҮЛЛАР...

ДУНЁДА дардсиз одам йўқ. Дард эса кишини сокин қилади, вазминлаштиради. Аммо ўтган кунлар ёди, юракдаги унутилмас жароҳатлар кўпинча инсонни яқин бир дардкашга, фикрдошга муҳтож қилиб қўяркан. Мукаррама... Бу аёл ўз кечинмаларини, дард-ҳасратларини бировга эмас, қоғоз-қаламга ишонди. Юраги соғинчдан ёки дунё ташвишларидан тўлиб кетган пайтларда қўл етмас суянчи — Қаҳрамонга мактублар битди. Гарчи бу мактубларни у энди ҳеч қачон ўқий олмаса ҳам...

Мукарраманинг ўтмишидан бироз хабарим бўлсада, тасодифан қўлимга тушиб қолган бир хати қалбимни изтиробга тўлдирди. Аммо ўз ҳаётини, оиласини, фарзандларини поклик ва садоқат меҳри билан безаётган бу мунис аёлга пинҳона меҳрим ортди. Мактуб шундай бошланади:

«Азизим... Инсон ёруғ дунёга келиб, аввало гўзал ва бетакрор болалик чоғларини бошдан кечираркан. Бу беташвиш дунё одамзоднинг ҳаётидаги энг ширин хотиралар даври бўлса ажабмас. Улғайган сари эса олдингда қандай кунлар, қандай синовлар турганини билолмас экансан.

Азизим... Сизнинг исмингизни бировлар оғзида эшитиб қолсам негадир титраб кетаман. Қани энди 1991 йилнинг 13 ноябридаги мудҳиш воқеа тушга айланса-ю, кўчакўйда учратиб қолган дўстларингиз «Қаҳрамон, омонмисан?» дея пешвоз чиққанларида одатдагидай ширин жилмайганча қулочингизни очиб, уларни бағрингизга боссангиз. Уйда-чи? Ота меҳрига зор икки гўдагингиз «Дадам ишдан қачон келадилар?» деб дарвоза олдидан бери келмай қўйдилар. Меҳрибон сингилларингиз, янгаларингиз «Қаҳрамон бунчалик яхши бўлмаганида, айриликка чидаш бу қадар оғир бўлмасмиди», дея сизнинг феъл-атворингизни, одамларга қилган яхшиликларингизни айтиб адо қилишолмайди. Мен эса... Эсиз, ўша бахтсиз ҳодиса бўлмаганида мен дунёдаги энг бахтли, энг бахтиёр, энг тўкис аёл бўлардим. Ёки номард дунё, деганлари шумикин!..»

Йўқ. Дунё номард эмас. Дунёдаги номард одамлар сенинг бахтингга завол бўлди, Мукаррама! Ўша куни Қаҳрамон бошқариб бораётган машина йўл ҳаракати қоидаларига зид равишда тез келаётган юк машинаси билан тўқнашиб кетмаганида, майли, агар бу кўргулик бўлгани тақдирда ҳам, машинадаги йигитлар виждонли бўлиб, Қаҳрамонни ўз вақтида касалхонага олиб боришганида балким шифокорларнинг кўмаги билан у тирик қолармиди?! Ваҳоланки, дуч келган машинага ўтириб, жўнаб қолган йигитлар оғир аҳволдаги Қаҳрамонни ҳодиса жойида ташлаб кетдилар. Суд бу ишга одил хулоса ясади. Айбдорлар қонун олдида жавоб бердилар.

Турмуш тўрасидаги

«...Менинг ҳеч кимдан гинам йўқ, азизим. Сизга ёмонлик қилган ўша номардлар ҳам жазо муддатларини ўтаб, бир куни оиласи бағрига қайтиб келадилар. Майли. Ҳеч ким ўз азиз кишисидан бевақт айрилмасин, ёлғиз яшамасин. Аслида мен сизни қабрга кузатган кун руҳан ўлган эдим. Аммо эсини таниб қолган қизимиз Дилбар, ўғлимиз Нодирбек сиздан қолган ҳаёт шамчироғи каби руҳимга қайта жон бағишладилар. Мен энди Сизнинг покиза руҳингиз ва мана шу икки қоракўзнинг ҳаёти билангина тирикман...»

Мукарраманинг мактуби сабаб, инсон ҳаёти ва унинг тақдир синоатлари ҳақида узоқ ҳаёлга толдим. Атрофга қаранг, кимдир дунёга келиб, умрини меҳнат билан, яхшилик билан безамоқда. Кимдир эса номардлик гирдобида бутун-бутун оилаларни кемтик қилаяпти. Кимнингдир худоси — мансаб, кимнингдир ғами — пул, бойлик... Лекин сохта шон-шуҳрат ҳам, бойлик ҳам ҳеч кимга вафо қилмаган. Баъзилар ҳамма нарсани пул билан ҳал қилса бўлади, деб ўйлашади. Йўқ. Пулга топиб бўлмайдиган улуғ нарсалар ҳам бор. Бу — инсон қадр-қиммати. Бу — иззат. Бу — хотира! Бировларнинг қадрини топтаган кишилар бир умр нафратга лойиқдирлар. Бундайларни Оллоҳ ҳам суймайди. Сен бардошли бўл, Мукаррама! Донолар ҳикматида ҳам аёл кишига нисбатан «улар тикон учида очилган гул кабидирлар» дея таъриф берилади. Сен энг қийин кунларингда ҳам жилмайиш учун журъат топ. Ахир дунёдаги энг жафокаш халқ — ўзбек халқи аёллари ўз бахтсизликлари билан ҳам бахт ярата оладиган матонатли аёллардир. Ғамгин осмонингда эртага Қуёш чарақлайди, сенга сирдош бўлиб Ой тўлишади. Бири — ўғлинг, бири — қизингдир. Ўзинг ёзиб, ўзинг ўқиб юрган мактубингни ошкор этганим учун кечир, синглим. Зора, бизнинг ёзганларимизни ўқиган кишилар бир-бирларини қадрлашга чоғлансалар, адашганлар йўлдан қайтса, номардлик кўчасига бош суққанлар қилмишларидан кечсалар... Ахир бизни улуғ ва эзгу кунларга етаклайдиган нарса битта — меҳр-оқибат!

Ойгул СУЮНДИКОВА.

Бу кўчага мен хўжайин,
Машинангни юргизмайман.
Патирингдан олмагунча,
Ўрнингдан ҳеч турғизмайман.

Опангними ё акангни,
Чақирақол ёрдамга.
Эрка бола бўлсанг, алам —
Қилар экан одамга.

Муҳаммад АМИН ва Искандар ХЎЖАЕВ олган сурат-лавҳа (ЎзА).



ИБРАТНОМА

ЖАННАТИ ИНСОН

Кунлардан бирида Пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В.) саҳобалари билан суҳбат қурар эдилар. Ул зот: «Мана шу тарафдан жаннат аҳлларидан бир киши чиқиб келади», — дедилар. Уларнинг ҳузурига бир оддий киши кириб келди. Иккинчи кун ҳам, учинчи кун ҳам худди шу воқеа такрорланди. Шунда ёш саҳобаи киромлардан бирлари: «Нима учун Расулуллоҳ бу кишини уч марта жаннат аҳлларидан деб айтдилар? Бу кишининг қандай ортиқ тарафлари бор экан. Нима иш қилар эканларки, жаннат аҳлларидан бўлдилар?» — деб кўп ўйлади. Ниҳоят ўша кишини бир текшириб кўрмоқчи бўлди. У кишининг уйларига бориб: «Мен отам билан уришиб қолдим. Уч кунгача сизникида бўлиб турсам майлими?» — деб рухсат сўради. У киши розилик билдирди. Уч кунгача ёш саҳобаи киром бу киши қандай амаллар қилар экан, деб кузатиб юрди. Ҳеч гап йўқ. Ўша киши эрталаб туриб, нонушта қилиб, ишга бориб келиб, яна ўз ишлари билан банд бўлиб, хуфтон намозини адо этиб, ухлашга ётди. Иккинчи куни ҳам, учинчи куни ҳам шундай ўтди. Йигит ҳайрон бўлиб: «Ахир Пайғамбаримиз муборак тиллари билан бу одамни «жаннати» дедилар-ку! Лекин мен бу кишида биздан ҳеч қандай ортиқ қилаётган амалларини кўрмаяпман», — деб ўйлади. Охири у кишидан сўради: «Эй биродар! Сиз нима иш қиласизки, Пайғамбаримиз сизни «жаннати инсон» дедилар?» У киши: «Мана шу кўриб турган ишларингиздан бошқа ишларни қилмайман. Кун бўйи ўз ишларим билан машғул бўламан. Кош қорайгандан сўнг, уйимга кетаман».

— Йўқ, тўғрисини айтинг, — деди ёш саҳобаи киром.

— Шу ишларни қиламан. Фақат ётишимдан олдин ўзимга ўзим ҳисоб-китоб қиламан. Бугунги кунни қандай ўтказдинг? Одамларга қандай фойданг тегди? Кимнинг оғирини енгил қилдинг? Агар бирон бир одамни ҳафа қилиб қўйган бўлсам, Худо хоҳласа эртага унинг олдига бориб кечирим сўрайман. «Дўстим, ёки укам, ёки акам, ёки ўғлим, аълим, кеча сизни бироз ранжитиб қўйдим, узр, кечирасиз», — дейман.

— Ҳа, мана шу ишингиз сизни жаннати қилган экан, — деди ёш саҳобаи киром.

Яъни бу кишини мусаффо қалбида на ҳасад, на ичи қоралик, на ғашлик бор. Бундай олижаноб хислат ҳар куни давом этганлиги туфайли инсон қалбида бир нуқтачалик қора доғ қолмайди. Шунинг учун бир ҳикматда айтиладики: «Қиёмат кунида ҳисоб-китоб қилишингиздан олдин бу дунёда ўзингиз қилаётган ишларингиздан ҳисоб-китоб қилиб юриглар».

ИККИ ДЎСТ

Икки дўст бўлар эди. Бирининг бойлиги кўп эди. Оллоҳ унга иккита узумзор боғ ато қилганди. Икки боғ орасида кенг далаларда дарё доимо оқиб турарди. Мевалар ғарқ пишганди. Узум бошлари гўё қуёш нурларига бурканиб, ярқираб турган гавҳарлар каби эди.

Кунларнинг бирида у дўстининг боғу-роғларини, далаларини кўришга, бирга дам олиб фурсатни бахтиёр сайр қилиб ўтказишга чақирди. Боғ ўртасида сайр қилаётганларида кенг экинзорларга қаради. Бу катта бойликлардан қалби ғурурга тўлиб тошди. Бу улуғ неъматларни Оллоҳ инъом қилганлигини унутди. Тили ҳаракатга келиб, дўстига: «Менинг молу-дунём ва болачақаларим сеникидан кўпроқ», — деди, сўнгра боғларининг бирига кириб кетди. У ерда ғарқ пишиб ётган меваларни кўриб, такаббурона керилиб: «Менинг бу бойликларим ҳеч тугаб битмайди. Қиёматда ҳам Оллоҳ менга бундан яхшироғини беради, чунки мен бой одамман, бойлигим туфайли Оллоҳ менга бериши даркор», — деди.

Дўсти Оллоҳга ишонган мўъмин киши эди. Бойлигидан Роббисини танимай қолган дўстига: «Сени тупроқдан яратган Роббингга куфр келтирдингми? Оллоҳ шундай зотки, сени онангнинг қорнида бир парча гўшт қилиб яратиб, сўнг комил инсонга айлантирди. Боғингни кўрганингда Оллоҳни эсга олишинг лозим эди, чунки бу неъматни сенга Оллоҳ берган. Менинг болаларим, сеникидан кам бўлса ҳам, лекин Оллоҳдан умидим катта. Оллоҳ сенга берган неъматларига шукр қилмас экансан, уларни олиб қўяди», деди.

Бир неча кун ўтмасдан мўъмин кишининг сўзлари ҳақиқатга айланди. Сувлар шимилиб, ер куриб қолди. Мевалар тўкилди, дарахтлар сўлди.

Мағрур боғ эгаси уни кўргани борди. Боғни харобага айланганини кўргач, юраги узилиб тушди. Сарфлаган моли, чеккан машаққатлари зое кетганидан хафа бўлиб чапак чалиб қолди. Синиқ, хорғин ҳолда: «Кошки, Роббимга ҳеч бир кимсани шерик қилмаган бўлсам эди», — деди.

Абдуқаюм ҲИКМАТОВ тайёрлади.

ДОНОЛАР ДЕМИШКИ...

Зеҳнингга кор қилмаса ҳунар ва билим,
Қоронғу зулматда ўзингга зулм.
Хусрав ДЕҲЛАВИЙ.

* * *

Кимки улуғроқ — анга хизмат керак,
Улки, кичикроқ — анга шафқат керак.
Алишер НАВОИЙ.

* * *

Сен ўзингни агар койий билсанг хўп,
Бошқалар койишин эшитмайсан кўп.
Саъдий ШЕРОЗИЙ.

* * *

Илм — нурдир, жаҳолат — зулмат,
Билимдонлик меваси ҳурмат.
Абдулқодир МАРОҒИЙ.

* * *

Кўру кардир аҳли жаҳолат,
Карга — қулоқ, кўрга — нур маърифат.
Юсуф хос ҲОЖИБ.

* * *

Жаҳон илмики, бу кун менга ёд эрур,
Анга барча жаҳд аҳли устод эрур.
Алишер НАВОИЙ.

Тўпловчи: Оймуҳаммад ТИЛАКОВ.

СПОРТ

ЎЗБЕКИСТОН – МЕЗБОН

Тошкентда эркин ва юнон-рум кураши бўйича XIII Осиё чемпионати бошланди

Халқаро кураш федерациясининг (ФИЛА) вице-президенти Михай Бира бўлиб ўтган матбуот конференциясида журналистлар саволларига жавоб берар экан, эркин ва юнон-рум кураши бўйича XIII Осиё чемпионатини ўтказиш учун Тошкентнинг танлангани бежиз эмаслигини таъкидлади. Ўзбекистон мустақиллик йилларида ўзбек спортчилари халқаро мусобақаларда эришган улкан ғалабалар билан жаҳон спорт ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади. Мамлакатда теннис бўйича Ўзбекистон Президенти Кубоги сингари нуфузли халқаро мусобақалар ўтказилмоқда.



ФИЛА бош котиби Мишель Дюшон Ўзбекистон мустақиллиги Кубоги учун ўтказилган халқаро мусобақаларнинг юқори даражада ташкил этилгани ҳақида гапирди. Унинг назарида, Тошкентнинг кураш бўйича XIII Осиё чемпионати ўтказиладиган жой сифатида танланиши ҳам шу билан боғлиқ. Мишель Дюшон Тошкент ва ундаги спорт иншоотлари билан шунчаки танишиб чиқишнинг ўзидаёқ киши Ўзбекистонда спортни ривожлантиришга жуда катта аҳамият берилаётганига амин бўлиши ҳақида тўхталди.

Матбуот конференциясида Осиё чемпионатига тайёргарлик кўришда ФИЛАнинг барча талаблари ҳисобга олингани қайд этилди.

Осиё чемпионати «Юнусобод» спорт комплексида 25-30 май кунлари ўтади.

(ЎзА).



«МИКАСА» КУБОГИ ТОШКЕНТДА

ТОШКЕНТДАГИ Олимпия шон-шуҳрати музейида Япониянинг «Микаса» фирмаси кубоги учун ўтказиладиган волейбол бўйича халқаро турнирга бағишланган матбуот конференцияси бўлди.

Ўзбекистон волейбол федерацияси бош котиби Леонид Айрапетьянцнинг гапига қараганда, Япониянинг волейбол тўпи ишлаб чиқарадиган машҳур «Микаса» фирмаси хорижда ўз кубоги учун мусобақа ўтказишга аҳд қилган ҳамда бу тадбир учун бизнинг мамлакатимизни танлаган.

Турнирда Япония, Қирғизистон, Қозоғистон, Россия ва Ўзбекистон хотин-қизлар командаси иштирок этади. Мудофаа Вазирлиги спорт комплексининг волейбол зали мусобақага муносиб қилиб тайёрланди. Энди у барча жаҳон андозаларига жавоб беради ҳамда мусобақа иштирокчиларини кутиб олишга тайёр.

Мусобақа бугун старт олади.

(ЎзА).

«МЕТАЛЛУРГ» ОЛТИЛИКДА

O'ZBEKISTON 1999 CHEMPIONATI

КУНИ кеча мамлакат 8 миллий чемпионатида иштирок этаётган олий табақа жамоалари 11-тур учрашувларини ўтказдилар. 8 учрашувда дарвозага 27та тўп киритилди. Турнинг марказий учрашуви Самарқандда ўтказилди.

Ҳа, «Самарқанд» ва «Дўстлик» жамоалари бу йилги мавсумда ўз мухлислари ишончини оқлаб келмоқдалар. Улар ўтказилган ўн учрашувда бирон марта ҳам мағлубиятга учрамадилар ва жадвалда пешқадамликни ҳеч кимга бермай биринчи ва иккинчи ўринни банд этиб турибдилар. Уларнинг ўзаро учрашувида ягона пешқадамлик учун кураш борди. Ўйиннинг бошида майдон эгалари ташаббусни ўз қўлларига олиб майдонда эркин ҳаракат қилдилар натижада ўйиннинг ўнинчи дақиқасида моҳир ҳужумчи Жафар Ирисметов меҳмонлар дарвозасини забт этиб ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Майдон эгаларининг яна бир ҳужумчиси Равшан Бозоров биринчи бўлимнинг сўнгги дақиқасида ҳисобни 2:0 ўзгартирди. Иккинчи бўлим меҳмонлар ҳужуми билан бошланди. Ҳужумлардан бирида қанотдан жарима майдонига оширилган тўпни «Самарқанд» ҳимоячиси Сарвар Шарипов ўз дарвозасига йўллаб меҳмонларга ёрдам берди. Майдон эгаларининг ҳужумларидан бирини яна Ж. Ирисметов охирига етказиб ҳисобни 3:1га ўзгартирди. Орадан кўп ўтмай «Дўстлик» ҳужумчиси Мухтор Қурбонов майдон эгалари дарвозасини аниқ нишонга олди. Ҳисоб 3:2. Жамоалар эса ҳужумни бўшаштирмадилар. Майдон эгаларининг навбатдаги ҳужуми Абдурахмонов киритган тўп билан якунланди. 4:2. Қизиқарли ва жанговар руҳда ўтган бу учрашувда сўнгги нуқтани Ойбек Усмонхўжаев қўйди. Майдон эгалари уни ўз жарима майдонларида қўполлик билан йиқитганликлари учун 11 метрлик жарима тўпи билан жазоландилар. Уни жабрланувчининг ўзи аниқ амалга ошириб ҳисобни 4:3га ўзгартирди. Бу тўп Ойбек Усмонхўжаевнинг мавсумдаги 12чи олий табақа жамоалари чемпионатларидаги 98 тўпи бўлди. Мухлисларни хушнуд этган бу учрашув «Самарқанд» ғалабаси билан якунланди. «Дўстлик» эса мавсумда биринчи бор майдондан мағлуб бўлиб чиқди.

Вилоятимизнинг иккинчи вакили Бекободнинг «Металлург» жамоаси ўз майдонида «Суғдиёна»ни қабул қилди. Учрашув ҳар икки жамоанинг ҳужумлари билан ўтган бўлса ҳам биринчи бўлимда ҳисоб очилмади. Иккинчи бўлимда майдон эгалари ҳужумни янада кучайтирдилар. Ўйиннинг 61-дақиқасида меҳмонлар майдон эгалари ўйинчисини ўз жарима майдонларида қўполлик билан тўхтатиб қолганликлари учун 11 метрлик жарима тўпи билан жазоландилар. Жарима тўпини Улуғбек Рўзимов рақиб дарвозасига аниқ йўллаб ҳисобни очди ва жамоасига ғалаба келтирди. Бу муҳим ғалабадан сўнг «Металлург» ўз очколарини 17тага етказиб жадвалда кучли олтиликка кириб олди.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Пахтакор» — «Бухоро» — 2:1, «Нефтчи» — «Насаф» — 4:0, «Темирйўлчи» — «Андижон» — 5:1, «Янгиер» — «Сурхон» — 2:1, «Трактор» — «Хоразм» — 1:0, «Навбаҳор» — «Зарафшон» — 1:1.

Навбатдаги 12 тур 1 июнь куни ўтказилади. Унда «Дўстлик» «Янгиер»ни, «Трактор» «Самарқанд»ни қабул қилади.

Тальят ЮСУПОВ.

Чиноз тумани Бобур номли 3-ўрта мактаб томонидан 1993 йилда Мусаева Моҳигул Мирпўлатовна номига берилган 274970 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 26-30 май кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ёғингарчилик кутилмайди. Кечалари 9-14 даража, кундуз кунлари 23-28 даража иссиқ, шу даврнинг иккинчи ярмига бориб ҳаво ҳарорати бироз кўтарилади. Кечалари 13-18, кундуз кунлари эса 29-34 даража иссиқ бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0356. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 11.937 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Тўрон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 21. 30. Босишга топширилди – 19.30. 1 2 3 4 5 6